



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING**

BUYRUG'I

**Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий
аентлигининг Ёш мутахассисларни танлаш дастурини тасдиқлаш
тӯғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигига 2022 йил 4 август
куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 61-сон
баёнида (кейинги ўринларда – Баён) кўрсатилган вазифалар ижросини
таъминлаш мақсадида, буюраман:

1. Баёнга асосан:

барча давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи
ҳокимият органлари учун Ёш мутахассисларни танлаш дастурини ишлаб
чиқиши ва эълон қилиш вазифаси юклатилганлиги маълумот учун қабул
қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий
аентлигининг (кейинги ўринларда – Аентлик) Ёш мутахассисларни танлаш
дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Аентлик директори ўринбосари Д.Максудов, Кадрлар бўлими
(Ш.Сирожиддинов) Аентлик учун ёш мутахассисларни танлаш бўйича
маъсул этиб белгилансин.

4. Мазкур буйруқ ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Директор

Ли Д.Р.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар
миллий агентлиги директорининг
2022 йил “___” ____ даги
___ -сон буйруғига илова

**Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг
Ёш мутахассисларни танлаш
ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикасидаги Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан “Ёш мутахассисларни танлаш” намунавий Даствури (кейинги ўринларда – Дастур) Олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда – ОТМ) битирувчи курсида ўқиётган қобилиятли ёшларни саралаб олиш, уларнинг стажировкасини ташкил этиш ва кейинчалик захирага киритиш бўйича комплекс чора-тадбирларни назарда тутади.

Дастур мақсади – Агентлик тизимида энг муносиб кадрларни танлаш ва истиқболли кадрларни тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш ҳамда ОТМ битирувчиларини давлат хизматига жалб қилиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Дастур вазифалари: олий таълим муассасалари ҳамда давлат хизмати ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш;

энг салоҳиятли ва билимли битирувчиларни селекция қилиш;
номзодларни Агентликка стажировка ўташ учун йўналтириш ҳамда “устоз-шогирд анъанаси” асосида тажрибали устоз-менторларга бириклиши;
стажировкани муваффақиятли якунлаган битирувчиларни танлов (сухбат) асосида давлат хизматига ишга қабул қилиш.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Дастурда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

битирувчи – ОТМ кундузги шаклиниң бакалавриат босқичи битирув курс талабалари;

Стажировка – ёш мутахассисларни давлат хизматига тайёрлаш, касбий фаолият маъсулитини ҳис этиш ва тажрибали мутахассисларнинг иш фаолиятини ўрганиш орқали ОТМда олган назарий билимларини амалий мустаҳкамлаш жараёни.

малака талаблари – маълум бир давлат фуқаролик лавозимига стажёр бўлиш учун номзодларга нисбатан Агентлик томонидан белгиланадиган тегишли маълумот, шунингдек билим ва касбий компетенциясига қўйилган талаблар;

стажировка раҳбари – Агентликдаги стажировка жараёнини мувофиқлаштириш масъулияти юкланган раҳбар ходими.

устоз-ментор – стажировка ўтаётган битирувчиларга Агентлик фаолиятида “устоз-шогирд” анъанаси асосида зарур ташкилий кўрсатмалар

берувчи, уларни техник хавфсизлик қоидалари билан таништирувчи, амалий кўникма ва малакаларни ўргатувчи, стажировка даврида талаба эгаллаган кўникмаларни баҳолаш юкланган тажрибали давлат фуқаролик хизматчиси.

шахсий ривожланиш режаси – битирувчининг Агентликда стажировкаси давомида ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар муддатлар кесимида акс эттириладиган хужжат.

кадрлар захираси – Агентлиқдаги лавозимларни салоҳиятли, ёш кадрлар билан тўлдирилишини таъминлайдиган, юқори малакали мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

2-боб. Танлов ўтказиш тартиби

2. “Ёш мутахассисларни танлаш Дастури” 1-иловадаги Дастурни амалга ошириш схемаси бўйича тегишли босқичларда ва белгиланган муддатларда амалга оширилади.

3. Агентликнинг расмий саҳифаларида “Ёш мутахассисларни танлаш Дастури” бўйича стажировка танлови ҳақида эълон берилади ва тарғибот ташвиқот ишлари амалга оширилади.

4. Номзодлардан стажировка танловида иштирок этиш учун аризалар онлайн шаклда (*app.uz* электрон сайти орқали) қабул қилинади.

5. Техник талабларга мувофиқ ариза эгаларига саралаш босқичида иштирок этишга йўлланма юборилади.

6. Номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, давлат фуқаролик хизмати ва коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик, давлат тили, ахборот технологиялари бўйича билим даражасини аниқлаш учун тегишли давлат органлари томонидан ташкил этиладиган маҳсус тест синовидан ўтадилар.

7. Тест синовлари базаси Агентлик буюртмасига биноан Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан ишлаб чиқилади.

8. Тест босқичи Агентлик билан ҳамкорлик қилаётган ОТМларнинг маҳсус компьютер хоналарида ўтказилади. Танлов жараёнлари Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилади.

9. Тест босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар (*71 фоиздан юқори*) Агентлиқда тузилган маҳсус комиссия томонидан сухбатдан ўтказилади.

10. Номзодлар кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ жадвал бўйича баҳоланади. Баҳолаш натижаларига кўра, синовлардан муваффақиятли ўтган номзодларни стажировкага қабул қилиш ҳақида Агентликнинг тегишли буйруғи чиқарилади.

11. Стажировка жараёнини намунали якунлаган ёш мутахассислар стажировка ўтаган Агентликнинг кадрлар захирасига киритилади.

3-боб. Стажировкани ташкил этиш қоидалари

12. Стажировка танловлардан муваффақиятли ўтган битирувчи билан 3-иловага мувофиқ тузиладиган стажировка шартномаси асосида ташкил қилинади.

13. Мазкур шартномада стажировкани ташкил этиши ва ўтказиш бўйича шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қабул қилувчи ташкилотнинг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда стажировкани ўташ тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати ва бекор қилиш асослари, шунингдек, тарафларнинг жавобгарлигига оид нормалар назарда тутилади.

14. Стажировка уч ойдан кам бўлмаган ҳамда бир йилдан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилиши лозим.

15. Агентлик:

танлов жараёнларини белгиланган мезонлар асосида шаффофф ва адолатли ўтишини таъминлайди;

стажировкага жалб қилинган талабалар маълумотларини умумлаштиради;

стажировка якунлари бўйича ҳисобот (тақдимот) жараёнларидаги иштирок этади;

Дастурни амалга ошириш схемаси бўйича барча босқичлардаги чоратадбирларни мувофиқлаштиради;

стажировка ўташда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юзасидан мониторингни амалга оширади;

стажировка якунлари бўйича давлат органларининг ҳисобот ва таклифларини умумлаштиради.

16. Агентлик стажировкани ташкил этишнинг зарур ташкилий-ҳуқуқий чораларини кўради. Хусусан ўтказилувчи синов жараёнларини адолатли ва шаффофф тарзда ташкил этади;

малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан стажёр билан ишлаш кўнижмасига эга бўлган стажировка раҳбари ва устоз-менторни тайинлайди;

битирувчиларни стажировка даврида ўз ходими сифатида фаолият олиб бориши учун ташкилот раҳбарининг буйругини чиқаради;

стажировка Дастирига мувофиқ битирувчиларга жорий қилинадиган шарт-шароитлар (шахсий ҳимоя, моддий-техника воситалари бошқалар)ни яратади;

стажёрларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятларини беради;

ташкилотнинг ички меҳнат интизомини бузган стажёр билан тузилган стажировка шартномасини белгиланган тартибда бекор қиласди;

битирувчи стажировкани ўташ даврида Агентликда баҳтсиз ҳодисага учраган ҳолатлар бўйича жавобгарлик масалаларини қонунчилик ҳужжатлари асосида кўриб чиқади;

16. Агентликнинг Кадрлар бўлими, Агентликда стажировка ўтаётган барча битирувчиларга раҳбарлик қиласди. Унинг вазифалари:

давлат фуқаролик хизмати ташкилотининг таркибий тузилмалари ва худудий бўйимлари бўйича талабаларни тақсимлайди, объектнинг тузилиши, фаолият йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари билан таниширади;

стажёр билан стажировка ўташ шартномасини имзолайди;

стажёрлар билан ташкилот раҳбарияти ва етакчи ходимларнинг учрашувини ташкил этади.

17. Устоз-ментор сифатида давлат хизматида камида уч йиллик тажрибага эга, меҳнат жамоасида обрў-эътиборли давлат хизматчиси “устоз-шогирд” анъанаси асосида кўпи билан икки нафар битирувчига биректирилиши мумкин.

Унинг вазифалари:

стажёрларга иш фаолияти ва техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш, шунингдек қабул қилувчи ташкилотнинг ички тартиб қоидалари ва иш режими нинг хусусиятлари бўйича йўл-йўриқ кўрсатади;

стажировка Даствурига тааллуқли материаллардан фойдаланиш тартиб-коидаларини ўргатади;

стажёр иш кунининг белгиланган давомийлигига ва стажернинг шахсий иш режасига риоя этилишини назорат қиласи;

18. Стажёр Агентликда стажировка ўташда:

стажировка бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиши;

стажировка шартномаси билан юклатилган хуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш;

стажёрнинг шахсий иш-режасида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариши;

стажировка ўташ тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилиши;

фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар тўпламини шакллантириши;

қабул қилувчи ташкилотнинг ички меҳнат тартиб қоидалари ва ходимлари фаолиятининг тартибини белгиловчи ҳужжатларга риоя қилиши шарт.

4-боб. Стажировкани ўташ тартиби

18. Стажировка уч босқичга бўлинади:

тайёрлов;

асосий;

ҳисоботларни топшириш ва баҳолаш.

19. Стажировка тайёрлов босқичининг биринчи кунида давлат фуқаролик хизматидаги стажировка раҳбари томонидан йиғилиш ўтказилади. Йиғилишда талабалар стажировкани ўташ Даствури билан танишадилар, унинг мақсад ва вазифаларига тааллуқли кўрсатмалар, стажировкани ўташ ва 4-иловадаги ҳисобот шаклини тўлдириш тартиби ҳақида хабардор қилинадилар.

20. Стажировка ўташнинг бошида талабалар қабул қилувчи ташкилотнинг тузилиши, фаолият йўналишлари, ўзига хослиги билан танишадилар ҳамда стажировка раҳбари ва бириктирилган устоз-ментор билан биргаликда стажировкани ўташ Дастирини бажариш бўйича 5-иловага мувофиқ, шахсий иш режа жадвалини тузадилар.

21. Стажировканинг асосий босқичида битирувчи бевосита стажировкани ўташ Дастирини бажариш бўйича Шахсий иш режада кўрсатиб ўтилган ишларни бажаради.

22. Стажировка яқунлари бўйича ҳисоботни топшириш сўнгги босқич ҳисобланади.

Белгиланган тартибдаги ҳисобот-такдимот стажировка раҳбари, устоз-ментор ва Ёшлар ишлари агентлиги вакили томонидан баҳоланиб тасдиқланади.

23. Стажировкани муваффақиятли яқунлаган битирувчилар давлат органлари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 6-илова асосида тасдиқланган сертификат билан тақдирланади. Мазкур сертификат асосида битирувчиларни давлат хизматига ишга қабул қилишда имтиёз назарда тутилади.

6-боб. Давлат хизматига ишга қабул қилиш

23. Агентлик томонидан вакант штат бирликларининг беш фойиздан кам бўлмаган микдорида ёш мутахассислар учун лавозимлар рўйхатини шакллантиради.

24. Рўйхатдаги лавозимлар учун битирувчilarга алоҳида малака талаблари ишлаб чиқилади.

25. Дастур асосида Стажировкани муваффақиятли тамомлаган, сертификатга эга битирувчилар давлат органларидағи маҳсус комиссия томонидан ўtkaziladigan сұхбат асосида вакант лавозимларга тақлиф қилиниши мумкин.

7-боб. Якуний қоида

26. Мазкур Дастур бўйича юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.